

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**«КЕЛИШИЛГАН»**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим  
вазири А.Ҳ.Тошқулов

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
Самарқанд иқтисодиёт ва  
сервис институти ректори  
М.Э.Пўлатов

---

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2021 й.

---

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2021 й.

**5А610301 - Туризм (фаолият турлари бўйича) мутахассислиги бўйича  
махсус фанлардан магистратурага кириш синовлари**

**ДАСТУРИ  
ВА  
БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

**САМАРҚАНД – 2021 й.**

**ТУЗУВЧИЛАР:** Д.З.Норкулова - СамИСИ, «Туризм» кафедраси мудир, доцент, и.ф.ф.д. (PhD)

**ТАҚРИЗЧИЛАР:** Ф.Ф.Зоҳидов – “Dinara tour service” турфирмаси директори  
А.Н.Абиев – СамИСИ, таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи, и.ф.ф.д. (PhD)

Дастур Олий Таълимнинг “Туризм (фаолият турлари бўйича)” таълим йўналишида ўтилган фанлар, шу жумладан, “Туроперейтинг”, “Туризм ва меҳмонхона хизматлари иқтисодиёти”, “Туризмни режалаштириш”, “Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш технологияси” ва “Касб этикаси” фанлар мажмуасини ўзида акс эттирган.

Мазкур дастур 5А610301 - Туризм (фаолият турлари бўйича) мутахассислиги бўйича махсус фанлардан магистратурага кириш синовларини топширувчиларга мўлжалланган.

Мазкур дастур Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Туризм” кафедраси мажлисида муҳокама қилинган ҳамда тавсия этилган (2021 йил 22-июнь 11-сонли мажлис баёни)

Мазкур дастур Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Ўқув-услубий Кенгашида муҳокама қилинган ва фойдаланишга тавсия этилган (2021 йил \_\_\_\_\_ сонли баёни).

## КИРИШ

Хозирги пайтда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масаласи давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қаторига киритилган. Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қабул қилган фармонида “...туризм тармоғи учун, айниқса менежмент ва маркетинг соҳасида малакали кадрларни сифатли тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, гидлар (экскурсия етакчилари) тайёрлаш, туризм фаолияти субъектлари ходимларини мунтазам равишда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш...” масаласи ўрта муддатли истиқболда туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсадли вазибалари ва устувор йўналишлари этиб белгиланди.

Мамлакатда туризмни миллий иқтисодиётни диверсификация қилиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишни таъминловчи стратегик тармоқлардан бири сифатида ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Виза режимининг либераллаштирилиши, чет эл фуқароларини рўйхатга олиш тартибининг соддалаштирилиши, туризм тармоғини ривожлантириш учун имтиёз ва преференциялар берилиши миллий туризм салоҳиятини ички ва ташқи бозорларда самарали тарғиб қилиш имконини берди. Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллар туризм тармоғини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий асоснинг номукамаллиги, алоҳида туризм хизматларини кўрсатиш қоидаларининг, шунингдек чет эл фуқароларининг тоифалари, бўлиш муддатлари ва мақсадлари бўйича дунё амалиётида кенг қўлланиладиган алоҳида виза режимларининг мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, жойлаштириш воситалари ва инфратузилма объектларининг, айниқса туризм мавсумида етишмаслиги, турли транспортларда йўловчиларни ташиш тизимининг етарли даражада мувофиқлаштирилмаганлиги, шунингдек, туристларни мавжуд туризм салоҳияти тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашни ташкиллаштириш даражасининг пастлиги, ички туризмни, мамлакат ҳудудларидаги маданий мерос объектларининг ва зиёратнинг ўзига хосликларини тарғиб қилиш бўйича маркетинг кампанияларининг самарасизлиги туризмни жадал ривожлантиришга салбий таъсир қилмоқда.

Туризм (фаолият турлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистратурага қирувчилардан туризм соҳасининг назарий, амалий, ташкилий ва бошқа жиҳатлари бўйича чуқур билимга эга бўлишлари, профессионал хизматларни кўрсата билишлари, туристик хизматлар бозорини тадқиқ этиш ва уни таҳлил қила олишлари, улар бўйича амалий кўникмаларга эга бўлиш, шунингдек меҳмонхона хўжалигининг назарий,

методологик ва ташкилий муаммолари бўйича ўз фикр мулоҳазаларини баён эта билишлари талаб этилади.

### **Дастурнинг мақсад ва вазифалари**

Мутахассислик бўйича магистратурага ўқишга кировчилар учун мўлжалланган синов дастурининг асосий мақсади ва вазифаси туризм, меҳмонхона, овқатланиш хизматларини кўрсатиш соҳасини ривожланиши ва фаолият юритишининг назарий, амалий жиҳатлари билан боғлиқ тизимларга тааллуқли мавзулар ва саволларни баён қилишдан иборат. Шунингдек дастур саволларга берилган жавобларнинг баҳолаш мезонларини ҳам белгилаб беради.

### **Махсус фанлар бўйича магистратурага ўқишга кировчи бакалаврларнинг билимига, тайёргарлигига ва куникмаларига қўйиладиган талаблар**

Махсус фанлар доирасида тузилган синов дастурида иқтисодиёт, туризм, меҳмонхона, овқатланиш хизматларини кўрсатиш соҳасининг моҳияти, функциялари, бозор иқтисодиёти шароитидаги роли ва ўрни, уларнинг барқарорлигини таъминлаш масалалари каби саволлар назарий ҳамда амалий жиҳатдан кўриб чиқилади, шундан келиб чиққан ҳолда 5А610301 - Туризм (фаолият турлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистратурага кировчи:

- махсус фанларни ўрганиш даврида ҳар бир мавзу бўйича таянч ибораларига ҳам жавоб бериб, тегишли масалани еча олиши;
- махсус фанларни ўзлаштириш натижасида туризм, меҳмонхона хўжалиги, овқатланиш корхоналари ва бошқа туристик хизматларни кўрсатувчилар ўртасидаги муносабатларида бўладиган ўзгаришларни билиши;
- мутахассисликка оид илмий ва илмий-техник ахборот билан мустақил ишлаш, тизимли мустақил таҳлил қилиш, хулоса чиқариш бўйича билимга эга бўлиши лозим.

### **Махсус фанлардан синов мавзуларини бошқа умумқасбий фанлар билан алоқаси**

Махсус фанларни ўрганиш давомида бакалавр уни бошқа умумқасбий фанлар билан узвий боғлиқлигини тушунган ҳолда микро ва макро иқтисодий даражада, шунингдек туризм ва меҳмонхона хўжалиги иқтисодиёти, маркетинг ва менежмент, ахборот технологияларидан фойдаланиш ва бошқа муносабатларининг ролини ва ўрнини кўрсатиб бераоладиган даражада билишлари лозим.

Махсус фанларни ўрганиш магистратурага синов топшириб кириш учун тайёргарлик кўришда асос бўлиб ҳисобланади. Шу боис, махсус фанлардан тузилган синов саволларига жавоб беришда куйидаги фанлар билан, яъни, “Туризм: назария ва амалиёт”, “Ресторан бизнеси”, “Туризм маркетинги”, “Ҳудудий туристик ресурслар” ва бошқа фанлар билан узвий боғлиқлигини эътироф этиш муҳимдир.

## **Махсус фанлардан синов дастури** **“ТУРОПЕРЕЙТИНГ” фани бўйича:**

### **Туроператор фаолияти ташкил этиш ва унинг ривожланиш тарихи**

Туроператор фаолиятининг тушунчаси ва турлари. Туроператор ва турагентларнинг тарихий ривожланиши ва функциялари. Туризм бозори тушунчаси ва унинг хусусиятлари. Туризм бозори сифимини аниқлаш усуллари. Ўзбекистонда туризм бозори ривожланишининг меъёрий-ҳуқуқий асослари. Туристик хизматлар ва уларнинг хусусиятлари. Жойлаштириш ва овқатлантириш хизматлари. Транспорт хизматларини ташкил этиш.

### **Туристик маршрутлар тарихи уларни ишлаб чиқиш ва ривожлантириш**

Туристик маршрутлар туризмни ривожлантиришнинг асосларидан ҳисобланиши. Туризм маршрутларини ишлаб чиқишнинг туризм иқтисодиётидаги ўрни. Туризм маршрутларини ишлаб чиқишнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти.

Марказий Осиёлик олимларнинг саёҳати маршрутлари. Чет эллик олим саёҳатчиларнинг маршрутлари. Буюк географик кашфиётчиларнинг саёҳати маршрутлари. Янги давр географик тадқиқотлари маршрутлари. Туристик маршрутларни ишлаб чиқиш усуллари. Туристик маршрутлар мавзуларининг тур номларини англантиши. Жозибадорлик, бетакрорлик ва имкониятларнинг яратилганлиги тамойиллари. Мазмундорлик ва фаолиятлилик тамойиллари.

Туристик маршрутларнинг таснифи. Транспорт, жойлаштириш, овқатлантириш ва маршрутдаги экскурсия хизматлари дастури. Туристларга хизматлар кўрсатиш талабномаси, маршрутнинг технологик харитаси ва маршрутда туристларга хизматлар кўрсатиш дастури. Туристик маршрутни ташкил қилишдаги ҳужжатлар.

Халқаро маршрутдаги саёҳатларда давлатларнинг маъсуллиги. Халқаро маршрутлардаги саёҳатлар бўйича Манила декларатсияси ва Гаага декларатсияси.

### **Туроперейтингда туристлар хавфсизлигини таъминлаш ва ахборот технологиялари**

Ўзбекистонда туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий меъёрлари. Туристлик фаолиятдаги хавф-хатарлар ва уларни бартараф қилишнинг чора-тадбирлари. Туризмда ахборот технологиялари турлари ва уларнинг моҳияти. Компютер тизимида ўринларни бронлаштириш.

### **Туроперейтингда маркетинг тадқиқотлари ва ривожлантириш тенденциялари**

Туризмда маркетинг тушунчаси ва унинг моҳияти. Туристлик корхонада маркетинг хизмати. Туроперейтингда маркетинг муҳити тушунчаси ва туристик корxonанинг ички маркетинг муҳити таҳлили. Туристлик корxonанинг ташқи маркетинг муҳити таҳлили.

Туризмда маркетинг тадқиқотларнинг аҳамияти, мазмуни ва шакллари. Туризм бозорини маркетинг тадқиқотлари. Туристлик корxonалар маркетингининг ривожланиш тенденциялари. Туристлик корxonаларда маркетингни ривожлантиришининг замонавий йўналишлари.

Туризм фаолиятида маркетинг концепцияси. Туризмда маркетингни ривожлантириш моҳияти. Туристлик корxonаларида маркетинг стратегияси. Туризмда сегментлашга ёндашув ва ундан мақсад. Мақсадли бозорларни аниқлаш. Туристлик маҳсулот ва унинг истеъмолчилари. Туристлик маҳсулотнинг харид жараёни. Турмаҳсулот хариди жараёнида иштирок этувчилар.

Туристлик маҳсулот ва унинг ҳаётий сикли. Туристлик маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши. Туристлик маҳсулотни режалаштириш. Турмаҳсулот нархининг таркибий тузилиши. Туристлик фаолият харажатлари ва даромадлари. Туризмда нарх белгилаш усуллари. Туристлик маҳсулотни сотиш каналларини шакллантириш. Туристлик маҳсулотни тақсимлаш самарадорлиги. Туристлик маҳсулотни ҳисоблаш жараёни. Туристлик маҳсулотни сотиш бўйича ҳамкорларни танлаш.

## **Туризмда реклама ва хизмат етказиб берувчи корхоналар билан шартномалар тузиш**

Туризмда рақобат ва рақобатбардошлик тушунчаларининг моҳияти. Туристтик хизматлар сотишда рақобат стратегиясини ишлаб чиқиш. Туризмда рекламанинг аҳамияти, реклама воситалари ва реклама ташувчиларни танлаш. Истеъмолчиларни (туристларни) ва турагентларни рағбатлантириш. Туризмни ташвиқот қилиш. Туризм соҳасидаги бренд тушунчаси. Туризм соҳасида бренд яратиш ва унинг нуфузини ошириш.

Шартнома режаси. Хизматлар етказиб берувчилар билан ҳамкорлик ва шартномалар тузиш. Меҳмонхона хўжалиги ва овқатлантириш ташкилотлари билан шартномалар тузиш. Автотранспорт ташкилотлар ва авиакомпания билан шартномалар тузиш. Темир йўл ва экскурсия хизмати кўрсатувчи фирмалар билан шартномалар тузиш.

### **“ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХИЗМАТЛАРИ ИҚТИСОДИЁТИ” фани бўйича:**

#### **Туризм ва меҳмонхона хизматлари иқтисодиётининг аҳамияти**

Туризмнинг таърифи ва предмети. Туризмни жамият иқтисодиётида тутган ўрни. Турист туризм объекти сифатида. Туристлар типологияси. Туризм турлари. Туризм шакллари. Туризм ва меҳмонхона хизматлари иқтисодиёти ва унинг таркибий тузилиши, хизмат кўрсатиш соҳасида режалаштириш фаолиятининг хусусиятлари, хизмат кўрсатиш соҳасида туризм ва меҳмонхона хизматларининг ўрни

Жойлаштириш воситалари ва уларнинг таснифи. Туристтик меҳмонхона, унинг белгиланиши ва хусусиятлари. Туристларга меҳмонхона хизмат кўрсатишнинг технологик схемаси. Меҳмонхоналар ва номерлар таснифи. Меҳмонхона хизматларини тақдим қилиш қоидалари.

Хизматлар моҳияти. Туристтик маҳсулот моҳияти. Туристтик пакет. Туристтик маҳсулот таркиби. Ялпи туристик маҳсулот. Туристтик маҳсулотнинг турлари. Туристтик марказ. Жойлаштириш хизматлари. Трансфер, турпакет, тур, моддий хизмат, ижтимоий-маданий хизмат.

Меҳмонхонанинг иқтисодий структураси. Туристтик корхона молияси. Туристтик корхона фаолиятининг молиявий натижалари. Фойданинг тақсимланиши. Молиявий мустаҳкамлик заҳираси ва тижорат сиёсати. Корхона тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлиги таҳлили

Режалаштиришнинг моҳияти ва тамойиллари. Сервис корхонасини ривожлантириш режасининг асосий бўлимлари ва кўрсаткичлари. Режалаштиришни қоидалари (принциплари).

Меҳмонхона сервисининг ўзига хос хусусиятлари. Меҳмонхона ишнинг бозорли қайта ташкил этилиши. Меҳмонхоналарни бошқаришни такомиллаштириш.

### **Туризмда хизмат кўрсатиш фаолияти ҳамда маркетинг стратегияси**

Бизнес режа, унинг аҳамияти, моҳияти ва мазмуни. Сервис корхонаси бизнес режаси. туризм ва меҳмонхона хўжалиги корхоналарида, режалаштириш ва башорат қилиш, туризм ва меҳмонхона хўжалиги корхоналарини ривожлантириш режасининг асосий бўлимлари ва кўрсаткичлари, туризм ва меҳмонхона хўжалиги корхоналари бизнес режаси, режалаштириш, туризм ва меҳмонхона хўжалиги корхоналари фаолиятини режалаштиришдан мақсад, режалаштиришнинг усуллари, бизнес режа, маркетинг стратегияси.

Маркетинг асослари. Рақобат ананалари, тармоқни ривожлантириш истиқболлари. Корхона ҳолатининг таҳлили. Ривожланиш тенденциялари ва динамикаси. Хизматларнинг халқаро бозори. Хизматлар соҳасида халқаро рақобат. Туристтик бозор тушунчаси ва функциялари. Туристтик бозор таркиби. Туристтик бозорни сегментатсиялаштириш. Туристтик бозорга таъсир этувчи асосий омиллар

Аниматция дастурларини яратиш бошқичлари. Кечки аниматсион шоу-дастурлар яратиш технологияси. Аниматорлик хизматида спорт-соғломлаштириш дастурлари.

Туристтик корхоналарга лицензия олиш учун давлат томонидан ўрнатилган талаблар. Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш ҳуқуқлари. Туризмда сертификатлаштиришнинг турлари. Туризмда стандартлаштириш жараёнининг моҳияти

### **Туризм ва меҳмонхона хизматларида нархларни белгилаш хусусиятлари**

Бозор нархлаштиришининг шароитлари. Туризмда нархга таъсир этувчи омиллар. Туристтик маҳсулотга нарх структураси

Нархлаштириш механизмлари. Меҳмонхона хизматлари бозорида боҳо ва талаб ўртасидаги ўзаро ҳаракат. Баҳо ва таклиф ўртасидаги ўзаро боғлиқлик. Бозор структураси ва нархлаштириш. Хизматларни ишлаб чиқариш таннархи ва норматив фойда.

### **“ТУРИЗМНИ РЕЖАЛАШТИРИШ” фани бўйича:**

#### **Туризмни режалаштириш тамойиллари ҳамда туристик маҳсулотни ишлаб чиқиш ва режалаштириш**

Туризм соҳасининг миллий иқтисодиётда тўтган ўрни. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг истиқболлари. “Туризмни режалаштириш” курсининг асосий вазифалари.



Туристлик ҳудудларнинг турлари. Туризмнинг устувор тараққиёт концепцияси асосида муайян туристлик объектнинг қабул қилишга чидамлилиқ салоҳияти тушунчаси. Туристлик рекреацион ресурслар. Миллий туристлик сиёсат. Бугунги кунда шаҳарларда режалаштиришнинг турлари. Туризмни режалаштиришнинг босқичлари. Туризмни режалаштиришда таҳлил ва синтез. Сиёсат ва режани ишлаб чиқиш.

Турмаҳсулотнинг хаётий цикли. Компания фойдасини режалаштириш. Турмаҳсулот хаётий циклини бошқаришнинг замонавий концепцияси. Туристлик маҳсулотни самарали режалаштириш муаммолари. Туристлик товарлар бозорини маркетингли режалаштириш. Туристлик хизматларни сотиш каналларини шакллантириш. Туристлик маҳсулотни тақсимлаш самарадорлиги

### **Туризм соҳасини режалаштиришнинг ташкилий механизмлари, туристик турларни режалаштириш, туризмни режалаштиришнинг стратегик жиҳатлари**

Бизнес-режалаштиришнинг асослари, Бизнес-режани ишлаб чиқиш кетма-кетлиги, Туризм индустрияси объектларини бизнес режалаштириш, Туристлик фирмаларда бизнес режа лойиҳалари

Ўзбекистон Республикасида туризмни бошқариш ва режалаштириш органлари тизими. Миллий, минтақавий ва маҳаллий даражаларда туризмни ривожлантириш режаларини ишлаб чиқиш босқичлари Туризмни ривожлантириш режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш, уларнинг бажарилишини таъминлаш Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантиришнинг асосий йўналишларива хусусиятлари

Менежмент функцияларининг моҳияти. Режалаштириш функцияси. Ташкил этиш функцияси. Мотивация бошқарув функцияси сифатида. Ходимларга бўлган талабни режалаштириш. Туризм индустриясида бошқарувли режалаштиришнинг мазмуни, турлари, методлари ва ўзига хослиги. Туризмда режалаштиришнинг хусусиятлари

### **Туристлик турларни режалаштириш ва туристик хизмат бозорининг хусусиятлари**

Жозибадор туристлик маҳсулот яратиш. Индивидуал турлар ва гуруҳли туризмнинг хусусиятлари. Хизмат кўрсатиш даражалари (класслари) Буюртмали тур, инклюзив тур ва пакет турларининг аҳамияти ва фарқи. Хизматлар пакети. Турхизматларни лойиҳалаш. Хизмат кўрсатиш дастури. Турларни режалаштириш ва шартномали режа.

Ўзбекистон Республикасида туризмни режалаштириш сиёсатининг асосий йўналишлари. Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш сиёсати – туристлик фаолиятнинг турли жиҳатларига тааллуқли бўлган қоидалар пакети. Структуравий режа ва унинг мазмуни. Туризм объектларини жойлаштириш шакллари ва хусусиятлари. Мавсумий туризмни

ривожлантириш ва унинг самарадорликка таъсири. Мавсумийликнинг туристлик фаолиятга салбий таъсирини камайтириш бўйича тадбирларни режалаштириш.

Туристлик хизмат бозорнинг Функцияларива таркиби. Туристлик хизмат бозорни сегментациялаш. Ўзбекистон Республикасида туризм хизмат бозорининг ҳолати ва унинг муаммоларини таҳлил қилиш. Туризм соҳасидаги хизмат бозор режасининг мазмуни. Туристлик хизмат бозорда маркетинг стратегияси. Туристлик хизмат бозор инфраструктураси. Туристлик маҳсулотни илгари суриш дастурларини ишлаб чиқиш. Туризм хизмат бозорига таъсир қилувчи асосий омиллар.

### **Туризм корхоналарида стратегик режалаштириш, туризмда стратегик режалаштиришнинг инвестицион дастурларини қўллаш**

Стратегик режалаштиришнинг бозор иқтисодиётидаги ўрни ва роли Туристлик соҳада маркетинг стратегиясидан фойдаланиш. Ресурсларни тақсимлаш, ташқи муҳитга мослашиш ва ички мувофиқлашув факторларининг таъсири. Ташкилий стратегияларни ҳис қилиш. Туризм корхоналарини миссия ва мақсадини аниқлаш. Туризм корхоналарини SWOT- таҳлил асосида кучли ва кучсиз томонларни аниқлаш. Туризм корхонасининг профилини тузиш.

Инвестицион фаолиятни баҳолаш, Инвестицион дастурларни молиялаштиришни ташкил этиш, Иқтисодий мезонлар бўйича инвестицион лойиҳаларни танлаш. Инвестицион дастурларни молиялашни ташкил этиш. Инвестиция объекти характеристикаси Инвестицион дастурларнинг таркибий тузилиши. Инвестицион дастурларни молиялашни ташкил этиш. Иқтисодий критериялар бўйича инвестицион лойиҳаларни танлаш. Инвестицияларнинг қопланиш муддатини ва соф дисконтланган (келтирилган) даромад (NPV) кўрсаткичларини ҳисоблаш. Инвестиция фаолиятининг давлат томонидан тартибга солинишининг хусусиятлари. Бўлаклаб молиялаштиришнинг камчиликлари ва лойиҳали молиялаштиришнинг шакллари. Муқобил лойиҳаларни узиш кўрсаткичлари бўйича таҳлил этиш.

Миллий, минтақавий ва маҳаллий даражалардаги туристик фаолият натижаларини иқтисодий баҳолаш. Туризм туфайли яратилган ишчи ўринлари. Бандликнинг туризмдаги турлари. Режалаштиришва туризм фаолиятининг иқтисодий фойдалилигини ошириш бўйича тадбирларни режалаштириш. Ички туризмнинг самаралик мезони. Туризмни режалаштиришга экологик таъсирларнинг турлари ва режалаштиришда уларни ҳисобга олиш. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни режалаштириш. Туризм фаолияти ва уни ривожлантириш соҳасидаги ижтимоий-маданий оқибатлар

Стратегик бошқарувнинг графикли кўриниши. Стратегик бошқарувнинг матирикли кўриниши. Баҳолаш усуллари ва стратегияни танлаш.

Корхонанинг стратегияси турлари. Рақобатчиликда базали стратегия, портфелли стратегия. Вазифавий стратегия. Портфелли стратегиянинг шаклланиши.

## **“ТУРИЗМ МАРШРУТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ” фани бўйича:**

### **“Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш технологияси” фанининг назарий асослари**

Курснинг предмети, мақсади ва вазифалари, туристик маршрутнинг моҳияти, маршрут билан боғлиқ жараёнлар тавсифи. Инсониятнинг дастлабки саёҳатлари, маршрутлари, турлари. Буюк географик кашфиётлар, дунё харитасидаги ўзгаришлар, янги маршрутлар. Туристик маршрутларнинг туристик ресурслар билан боғланганлиги. Ўзгармас ва ўзгарувчан туристик маршрутлар. Доимий, мавсумий, маҳаллий, халқаро маршрутлар. Маршрутларнинг даражаси. Туристик маршрутлар ишлаб чиқишдаги ёндошувлар, кабинетда тузиладиган маршрутлар, кузатув тажриба маршрутлари, туристик маршрутлар ишлаб чиқишнинг тамойиллари.

Туризмни ривожлантириш омилларининг туристик маршрутлар ҳосил бўлишига таъсири. Статик омиллар. Динамик омиллар. Туристик маршрутлар ишлаб чиқишнинг тамойиллари. Халқаро туризмнинг ривожланишида туристик маршрутларнинг ўрни. Турмаршрутларнинг туризм иқтисодиётидаги аҳамияти. Туристик маршрутлар ва меҳнат ресурслари. Туризм асосларидан бири туристик маршрутлар эканлиги. Турмаршрутларнинг туризм иқтисодиёти асосларидан бири эканлиги. Ватанни таништиришда турмаршрутларнинг муҳим омил эканлиги.

### **Ўтмишдаги саёҳатчиларнинг маршрутлари**

Марказий Осиёдаги олимлар ва табиатшунослар, мутафаккирларнинг ўтмиш даврларидаги саёҳатлари. Хорижий давлатлардаги олимлар ва саёҳатчиларнинг ўтмиш даврлардаги саёҳатлари. Буюк географик кашфиётчиларнинг саёҳати маршрутлари. Янги давр географик тадқиқотлари маршрутлари.

### **Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш технологияси**

Туристик маршрутларда хизматларнинг хиллари. Маршрут бошқичларидаги хизматлар. Доимий хизматлар. Овқатлантириш хизматлари. Маршрут бўйича хизматлар кўрсатиш дастури. Дам олиш, ўйинлар. Туристик маршрутлар трассалари. Турмаршрутлар мазмуни. Турмаршрутда ҳаракатланиш усуллари. Маршрутда соатлар фарқи ва маҳаллий вақт. Туристик маршрутда экскурсиялар. Турмаршрутнинг технологик харитаси.

Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган барча расмий ҳужжатлар.

Туристтик маршрутларида маркетинг тадқиқотларининг моҳияти ва мақсади, туристик маршрутларида маркетинг тадқиқотларини белгилаш ва ўтказиш. Туристтик маршрутларидаги экскурсияларни аниқлаш, ўтказиш, экскурсияларда хизматлар тавсифи.

Туризмнинг махсус турлари ҳақида тушунча туризмда махсус турларини ажратишнинг сабаблари ва хусусиятлари. Махсус туризм турларини гуруҳлаш. Туризмдаги махсус турларни ривожлантиришнинг йўллари.

Экологик туризм ҳақида тушунча. Туризмда экологик туризм ва табиатга қизиқиш туризмини фарқлаш. Биологик хилма-хиллик ва экологик туризмни ташкил қилиш масалалари. Экологик туризмни таснифлаш. Халқаро ва миллий туризмда экологик туризмнинг ўрни. Экологик туризмда маршрутлар ишлаб чиқиш. Ўзбекистон миллий парklarининг экологик+рекреация туризмини ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олиш. Туристтик маршрутда Зиёрат туризмнинг мақсади ва вазифаларини ҳисобга олиш, зиёрат талаблари ва зиёратнинг шартларини ҳисобга олувчи инфратузилмалар. Аҳолининг ижтимоий қатламларининг зиёратлари шароитлари. Зиёрат хизматлари.

### **Туризм маршрутларининг рекламаси ва баҳоси**

Туристтик объект реклама ўрнида. Туробъектдаги марказий тортиш кучи. Турмаршрут ҳақида ахборотлар, буклетлар, радио-телевидение ўрни. Турмаршрутдаги асосий объект ва қўшимча объектларга жалб қилиш усуллари. БТТнинг халқаро туризм ҳамкорлигини ривожлантириш учун халқаро туризм маршрутларини амалга оширишда давлатларнинг маъсуллигини белгилаши, кўрсатмалари ва тавсиялари.

### **Туризм маршрутларида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий меъёрлари**

Туризмда хавфсизлик масалалари бўйича Бутун жаҳон туристик ташкилотининг ишлаб чиққан меъёрий ҳужжатларини ўрганиш. Ўзбекистонда туризм хавфсизлигини ва туристларнинг ҳаёти ва буюмларининг сақланиш хавфсизлигини таъминлашда қабул қилинган қарор ва меъёрий ҳужжатларни ўрганиш. Турмаршрутда ҳаётга хавф солувчи омиллар ва манбалар. Доимий алоқани таъминлаш.

Туристтик маршрутлар сценарияси. Туристтик маршрутларнинг истиқболли йўналишларини башоратлаш. Табиат ва табиий ресурсларнинг турмаршрут ишлаб чиқишдаги ўрни. Турмаршрутда янги объектлар.

Туристтик маршрутларни амалий ўтказишдаги а) тайёргарлик босқичи; б) маршрутда юриш даври босқичи; в) маршрутнинг тугаши босқичи. Турмаршрутда эркин ҳаракатни таъминлаш ва ҳуқуқий кафолатлар. Маршрут

хақида талаб, истаклар, таклиф ва тавсияларни тўплаш. Маршрутнинг ўтганлиги ҳақида ҳисобот.

## **“КАСБИЙ ЭТИКА” фани бўйича:**

### **Туризм соҳасида саёҳатни ташкил этувчи ва саёҳат қилувчиларнинг касбий этика қоидалари**

“Касбий этика” фанининг предмети, объекти, мақсад ва вазифалари. Фанинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги. Туризм соҳасида касбий этикадан фойдаланишнинг объектив зарурати. Этикет ва ишбилармонлик этикети тушунчаларининг моҳияти. Ишга оид этикетнинг асосий тамойиллари. Туризм бизнесида ишлашнинг этик қоидалари. Корпоратив тадбирларни ташкил этиш этикаси. Туризм соҳасида саёҳатни ташкил этувчи корхоналарнинг коорпоратив имиж (нуфузи, обрўси)нинг моҳияти, ишга оид этикет процедурасининг роли. Корпоратив имиж моҳияти. Саёҳат қилувчиларнинг касбий этика қоидалари.

### **Ишбилармонлар ташқи қиёфаси ва унга қўйиладиган талаблар. Халқаро касбий этика**

Туризм соҳаси ишбилармонлари ташқи кўринишлари. Ташқи қиёфани шакллантиришда кийимнинг аҳамияти. Ишбилармонлар томонидан иш кийимларини танлаш жараёни. Тантанали вазиятларда кийиладиган ишбилармонлик кийимлари. Аёл ва эркак ишбилармонлар косметикаси, аксессуарлари ва уларга қўйиладиган этик талаблар.

Турли мамлакатлар касбий этикаси. Осиё давлатлари, Европа давлатлари ва АҚШ касбий этика хусусиятлари. АҚШ, Франция, Буюкбритания, Германия, Араб мамлакатлари, Австралия, Италия, Испания, Швеция, Россия, Хитой ва Япония давлатлари ишчан мулоқотининг миллий ўзига хослиги.

Бошқарув муносабатлари тушунчаси ва уни кўриб чиқишдаги асосий ёндашувлар. Бошқарув муносабатининг функциялари ва структураси. Раҳбарларнинг ходимлар билан муомала қилиш услублари. Туризмда саломлашиш, таништириш ва танишишнинг этикаси қоидалари. Туризмда бир-бирларига мурожат қилиш шакллари.

### **Туризмда фаолият кўрсатувчи ходимларининг нутқ маданияти, хамкорлар билан суҳбат ва музокаралар ўтказиш этикаси**

Нутқ маданияти ва нотиклик санъатининг моҳияти. Нотикликнинг келиб чиқиш тарихи. Нутқ услублари ва уларнинг вазифалари. Нутқ услубларининг ўзига хос хусусиятлари. Нутқий нуқсонлар ва уларни тuzатиш. Нутқ маданиятини эгаллашнинг усул ва йўллари.

Музокараларни олиб бориш зарурати. Ишга оид музокараларга тайёрланиш ва олиб бориш босқичлари. Расмий ва норасмий музокаралар олиб бориш этикети. Ҳамкорлар билан ўтказиладиган суҳбатга тайёрланиш. Суҳбат ўтказишни режалаштириш, хона ва столларни тайёрлаш.

Туризмда фаолият кўрсатувчи корхоналар ходимларининг миждозларга муружат қилиш қоидалари. Хизмат этикети вазифалари. Туризмда фаолият кўрсатувчи корхоналарнинг ходимларининг профессионал этикаси. Туризмда фаолият кўрсатувчи корхоналарнинг миждозлари типлари. VIP ва SIP миждозлар билан муомала қилиш.

### **Хизмат юзасидан хатлар ёзиш ва электрон воситалар орқали алоқа қилиш ва телефонда суҳбатлашиш этикаси**

Хизмат юзасидан ёзиладиган ёзиладиган расмий хатларга қўйиладиган талаблар. Расмий хатларга резолюция қўйиш ва жавоб бериш тартиби. Электрон ёзишмалар қоидалари.

Телефон билан сўзлашиш қоидалари. Телефонда сўзлашишнинг вақт меъёрлари. Телефондан фойдаланишнинг асосий қоидалари. Шахсий ва жамоат телефонларидан фойдаланиш. Мобил ва стационар алоқалар.

Визит карточкаларнинг турлари. Хизмат визит карточкалари, уларнинг мўлжалланиши ва улардаги ёзувлар. Визит карточкаларни топширишга, олишга қўйиладиган этик талаблар. Совғаларни танлаш, топшириш қоидалари.

### **Меҳмонхоналарда расмий зиёфатларни ташкил этиш**

Зиёфатлар ташкил қилиш ва зиёфат столларини безатиш жараёнлари. Зиёфат столи атрофида меҳмонларнинг ўтиришига, гаплашишига ва овқатланишига қўйиладиган талаблар.

### **Низоларни бартараф этиш йўллари**

Низо тушунчаси ва унинг классификацияси. Ишга доир муносабатларда низоли вазиятларнинг юзага келиш сабаблари ва шарт шароитлари. Раҳбар ходим ва уларнинг қўл остидагилари ўртасидаги низоларни бартараф этиш методлари ва ҳатти ҳаракатлари стратегияси. Низоларни бошқариш.

### **5А610301 – Туризм (фаолият турлари бўйича)**

**мутахассислиги бўйича мутахассислик фанларидан магистратурага кириш**

**синовлари**

**НАЗАРИЙ САВОЛЛАРИ**

1. Туроператор ва турагентларнинг тарихий ривожланиши ва функциялари

2. Туризм бозори ва хизматлари тушунчаси, уларнинг хусусиятлари
3. Ўзбекистонда туризм бозори ривожланишининг меъёрий-ҳуқуқий асослари
4. Туризм маршрутларини ишлаб чиқишнинг туризм иқтисодиётидаги ўрни
5. Туристтик маршрутларни ишлаб чиқиш усуллари ва тамойиллари
6. Ўзбекистонда туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий меъёрлари
7. Туроперейтингда ахборот технологиялари
8. Туристтик корхонада маркетинг хизмати
9. Туризмда маркетинг тадқиқотларнинг аҳамияти, мазмуни ва шакллари
10. Туризм бозорини сегментлаш ва туристик маҳсулот истеъмолчилари
11. Турхизматдан фойдаланувчиларнинг ўзига хос жиҳатлари
12. Туристтик маҳсулотнинг ҳаётий даври
13. Туроперейтингда нарх яратиш сиёсати
14. Туроперейтингда реклама фаолиятини ташкил этиш
15. Туризм соҳасида бренд яратиш
16. Туроперейтингда хизмат етказиб берувчилар билан ҳамкорлик шартномаларини тузиш
17. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришда хориж тажрибасидан фойдаланиш
18. Миллий туристик маҳсулотларни шакллантириш ва сотишни ривожлантириш йўллари
19. Ўзбекистонда туристларга хизмат кўрсатиш индустриясини ривожлантириш хусусиятлари ва имкониятлари
20. Ташкиллаштирилмаган туризм турларининг ўзига хос хусусиятлари
21. Туризм фаолиятини ташкил қилишда гид-экскурсия хизматларининг ўрни
22. Минтақавий туризмни ривожлантиришда маданий-тарихий меъросдан фойдаланиш аҳамияти
23. Ўзбекистонда гастрономия туризми ривожланган хориж давлатларининг тажрибалари
24. Турфирма фаолияти самарадорлигини оширишда замонавий ахборот технологияларининг ўрни
25. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда транспорт хизматларининг ўрни
26. Туристтик маҳсулотни шакллантиришда кўнгилочар дастурларнинг аҳамияти
27. Туризм бозорини тартибга солувчи механизмлар.
28. Туристтик корхонани бошқаришнинг ташкилий таркиби.
29. Туризм ва меҳмонхона хўжалиги корхоналарини режалаштиришнинг услубий асослари ва тамойиллари.
30. Туризм ва меҳмонхона хўжалиги корхоналарида асосий фондлардан фойдаланиш кўрсаткичлари ва уларни яхшилаш йўллари.

31. Туризм ва меҳмонхона хўжалиги фаолиятини самарали ташкил этишда SWOT таҳлилининг аҳамияти.
32. Туризм бозорида ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар.
33. Туризмда рекламани ташкил этиш ва сотув каналларини шакллантириш.
34. Туризм ва меҳмонхона хўжалиги корхоналарида режалаштириш ва башорат қилиш.
35. Туризм ва меҳмонхона хўжалиги корхоналари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари.
36. Туризм ва меҳмонхона хизматларида нархларни белгилаш.
37. Туризм ва меҳмонхона хўжалиги корхоналари соф фойдасининг тақсимланиш тартиби.
38. Бизнес режани ишлаб чиқиш, унинг таркибий қисмлари ва уларнинг мазмуни.
39. Туризм корхоналарида нархлаштириш механизмлари.
40. Туризм корхоналарида иш ҳақининг моҳияти.
41. Туристтик маҳсулотларни сотишни рағбатлантириш йўллари.
42. Мижозларнинг эҳтиёжларини қондириш нуқтаи назаридан хизмат кўрсатиш элементлари типологиясини тушунтириб беринг.
43. Миллий туристик маҳсулотларни шакллантириш ва сотишни ривожлантириш йўллари
44. Ўзбекистонда туристларга хизмат кўрсатиш индустриясини ривожлантириш хусусиятлари ва имкониятлари
45. Туризм хизматлар бозори тушунчаси ва унинг функциялари
46. Жисмоний имкониятлари чекланган инсонларга туристик хизматларини кўрсатишнинг аҳамияти
47. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришда хориж тажрибасидан фойдаланиш
48. “Booking.com” сайтида меҳмонхона хизматларини бронлаштириш имкониятлари.
49. Туроперейтингда хизмат етказиб берувчилар билан ҳамкорлик шартномаларини тузиш
50. «Ўзбекистон Ҳаво Йўллари» миллий авиакомпаниясининг минтақавий туризмни ривожлантиришда тутган ўрни
51. Ташкиллаштирилмаган туризм турларининг ўзига хос хусусиятлари
52. Ўзбекистонда ички туризмни ривожлантиришда туристик ресурслардан аҳамияти
53. Туристтик маҳсулотни шакллантириш ва ривожлантиришда бренднинг ўрни
54. Туризм соҳасида меҳмонхоналарни ҳудудий жойлаштиришнинг хусусиятлари
55. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда темир йўл транспортининг ўрни ва роли
56. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда туристик-рекреация ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари



57. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида жойлашган туристик ресурслар ва улардан фойдаланиш имкониятлари
58. Экскурсия хизматлари сифатини баҳолаш йўллари
59. Ўзбекистон шароитида туристик маҳсулотни шакллантиришда анимацион дастурлардан фойдаланиш
60. Ўзбекистонда минтақавий туризмни ривожлантириш ресурслари ва имкониятлари
61. Ўзбекистондаги кўхна меъморий обидалар бўйлаб ташкил этиладиган туризмнинг ўрни
62. Туристтик маҳсулотни шакллантиришга таъсир этувчи омиллар
63. Туризм соҳасининг барқарор ривожланишида янги инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти
64. Қишлоқ жойларида туризм соҳасини ривожлантириш хусусиятлари
65. Туризм соҳасида спелеотуризм аҳамияти
66. Қашқадарё вилоятида туризмни ривожлантириш истиқболлари
67. Ўзбекистонда туризм индустриясини ривожлантиришда реклама воситаларидан фойдаланиш йўллари
68. Туризм индустриясининг таркибий қисмини ривожлантириш омиллари
69. Хорижий туристларга турмаҳсулотларни реализация қилиш йўллари
70. Туристларнинг овқатланиш хизматини ташкил этиш
71. Ўзбекистонда туризм хизматларини стандартлаштириш ва сертификатлаштириш
72. Ўзбекистонда тоғ чанғи туризмни ривожлантириш йўллари
73. Туризмни ривожлантиришда музейларнинг тутган ўрни ва уларнинг фаолияти
74. Ўзбекистонда тарихий ва маданий туризмни ривожланиши
75. Табиатда фаол туризмни ривожлантириш ва маршрутларини тузиш
76. Ўзбекистонда муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларда экотуристтик ресурслардан фойдаланишнинг аҳамияти
77. Ўзбекистонда маданий туризмни ривожлантиришнинг хусусиятлари
78. Ўзбекистон музейлари минтақавий туризмни ривожлантириш ресурси сифатидаги ўрни
79. Ўзбекистонда миллий туризмни ривожлантиришда гастрономик туризмнинг аҳамияти
80. Ўзбекистон ҳудудидаги қадимий туристик хизмат турлари ва уларни ҳозирги вақтда қўллаш истиқболлари
81. Агротуризмни ривожлантириш ресурслари ва уни ташкил этиш хусусиятлари
82. Ўзбек халқ ўйинларидан фойдаланиб туристларга анимацион дастурлар ишлаб чиқишнинг аҳамияти
83. Ўзбекистонда оилавий туризмни ривожлантиришнинг ўрни
84. Ўзбекистонда туризм ривожланишида миллий хунармандчиликнинг тутган ўрни
85. Туризм соҳасида геоахборот тизимини қўллаш афзалликлари

86. Туризмни ривожлантиришда минтақавий туристик ресурсларнинг ўрни ва роли
87. Ўзбекистонда туризмнинг ривожланишида мавсумийликни камайтиришда хориж тажрибасидан фойдаланиш
88. Миллий ва этнографик мавзудаги анимацион хизматларни ташкил этишнинг ўзига хос томонлари
89. Ўзбекистонда спорт туризмни ривожлантиришнинг ўрни
90. Ўзбекистон шароитида буюртмали турларни ривожлантиришнинг ўрни
91. Меҳмонхоналарда юқори мартабали шахсларга хизмат кўрсатишни ташкил этиш хусусиятлари
92. Меҳмонхоналарда кўрсатиладиган асосий ва қўшимча хизматлари
93. Меҳмонхона ресторанида тортиқ қилинадиган меню турлари.
94. Меҳмонхона ресторанидаги стол сервировкаси жараёнини тушунтириш.
95. Мотивлаштиришнинг мазмуни ва моҳияти
96. Ишга доир суҳбат юритиш ва телефонда гаплашиш этикети
97. Туристтик хизматлар сифатини оширишда ходимларнинг ўрни
98. Меҳмонхона занжирларининг устунликлари нималардан иборат?
99. Менежерлар мижозлар билан муомала қилишида нималарга риоя қилиш керак?
100. Мавҳумлиги, ҳарактери ва оқибат натижасига қараб низо турларини ёритиб беринг

## АМАЛИЙ САВОЛЛАР

1. Самарқанд шаҳрида бир кунга мўлжалланган турмаршрутни ишлаб чиқинг.
2. Самарқанд шаҳрида икки кунга мўлжалланган турмаршрутни ишлаб чиқинг.
3. Самарқанд вилоятида зиёрат туризмига мўлжалланган турмаршрутни ишлаб чиқинг.
4. Самарқанд вилоятида экотуризм мўлжалланган турмаршрутни ишлаб чиқинг.
5. Ўзбекистон бўйлаб 7 кунлик саёҳат режасини тузинг
6. Ўзбекистон бўйлаб 7 кунлик зиёрат туризми режасини тузинг
7. Ўзбекистон бўйлаб 14 кунлик туризми режасини тузинг
8. Ўзбекистон бўйлаб 7 кунлик экотуризм режасини тузинг
9. Ўзбекистон бўйлаб 7 кунлик қишлоқ ва агротуризм режасини тузинг
10. Ўзбекистон бўйлаб 14 кунлик спорт туризми режасини тузинг
11. Ўзбекистон бўйлаб 7 кунлик экстремал туризм режасини тузинг
12. Ўзбекистон бўйлаб 7 кунлик тоғ-чанғи туризми режасини тузинг
13. Мавсумдан ташқари вақтда туристларни жалб қилиш стратегиясининг қоралама вариантыни тузинг
14. Ички туристлар билан хорижий туристларга хизмат кўрсатишдаги фарқли жиҳатларини ажратиб кўрсатинг

15. Ўзбекистонда ташкил этиш мумкин бўлган янги туризм турларини санаб беринг ва изоҳланг
16. Туризм турига боғлиқ равишда жойлаштириш воситасини танлаш тушунчасига изоҳ беринг.
17. Турли мамлакат вакилларига таклиф қилинаётган анимацион фаолиятнинг моҳияти нималардан иборатлигини тавсифлаб беринг.
18. Очиқ ҳавода ташкил этиладиган анимацион жараённи тасвирлаб беринг.
19. Сув ҳавзасида ташкил этиладиган анимацион жараённи тасвирлаб беринг.
20. Ёпиқ бинода ташкил этиладиган анимацион жараённи тасвирлаб беринг.
21. Музей ва кўргазмаларда ташкил этиладиган анимацион жараённи тасвирлаб беринг.
22. Туристлар иштироки кутиладиган оммавий тадбирларга қандай таёрганлик кўрилади? Босқичларини санаб ўтинг.
23. Самарқанд шаҳридаги меҳмонхоналарда ташкил этиш мумкин бўлган анимацион турдаги хизматларни санаб ўтинг.
24. Анимация хизматларида турли мижозлар билан ишлаш хусусиятлари нималардан иборат?
25. Анимация дастурларини яратишда сиз томондан қўлланиладиган дизайнерликнинг асосий элементларини санаб ўтинг.
26. Анимация дастурида фойдаланиладиган интеллектуал викториналарга мисоллар келтиринг.
27. Анимацион дастурни ишлаб чиқишда анимация ўтказиладиган жойнинг аҳамияти қандай? Турли манзилларда мисоллар келтиринг.
28. Анимацион дастурларни ишлаб чиқиш ва ўтказиш босқичларини гапириб беринг.
29. Сиз томондан яратилган анимацион дастур рекламаси қандай амалга оширилади?
30. Курорт меҳмонхоналарида спорт-соғломлаштириш тадбирларини уюштириш учун тавсия этилган ўйинларга мисоллар келтиринг.
31. Музейларда аниматорлик хизматларини ташкил этишнинг алоҳида хусусиятларини санаб ўтинг (Самарқанд музейлари мисолида).
32. Анимация хизматини ташкил қилувчи мутахассиснинг профессионал хусусиятлари ва шахсий фазилатларига қўйилган талаблар.
33. Махсус муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар: тушунча ва маъно. Энг машҳур махсус муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларга мисоллар келтиринг.
34. Ҳимояланган ҳудудларнинг глобал тармоғи ҳақида нималарни биласиз?
35. Махсус муҳофаза қилинадиган ҳудудлар қандай таснифланади? Халқаро номенклатура бўйича ажратиладиган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг (КК) асосий тоифалари қандай?

36. Табиат кўриқхоналари ва миллий боғларни районлаштириш тартиби қандай амалга оширилади? Ажратилган зоналарнинг ҳар бири қандай функцияларни бажаради?
37. Махсус муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг умумий йўналишлари ва тамойиллари қандай?
38. Миллий боғларнинг асосий, географик жиҳатдан чекланган ва боғлиқ вазифалари ҳақида гапириб беринг.
39. Рекреацион фаолият шакли сифатида экологик туризмга таъриф беринг. Ушбу турдаги фаолиятнинг таърифига нисбатан турли хил қарашларнинг устунлигини нима тушунтиради?
40. Экологик туризм турлари ҳақида нималарни биласиз?
41. Ҳозирги вақтда экотуризмнинг қайси соҳалари айниқса долзарб ва истиқболли?
42. Дунёда экологик туризмнинг тез ўсишининг асосий сабаблари нимада?
43. Этнографик маҳсулотни ишлаб чиқишга мисоллар келтиринг.
44. Оммавий салбий оқибатлари нима экотуризм фаолияти? Бундай оқибатлар қачон ва қайси йилларда ўзини намоён қила бошлади?
45. Ўзбекистонда миллий боғларни яратиш тарихини таҳлил қилинг, уни кўриқхоналарни яратиш тарихи билан таққосланг.
46. Ўзбекистон ҳудудида ривожланган бадиий хунармандчилик ҳақида гапириб беринг. Уларнинг қайси бири, сизнингча, экологик туризм маҳсулотларини бойитиши мумкин?
47. Ўзбекистон илмий муассасаларининг мамлакатда экологик туризмни ривожлантиришдаги иштирокини қандай тасаввур қиласиз? Ушбу иштирокни ўзаро манфаатли шартлар асосида амалга ошириш мумкинми?
48. Мамлакатимиз кўриқхоналарида, биосфера кўриқхоналарида ва миллий боғларида экологик туризмнинг ҳозирги ҳолати тўғрисида гапириб беринг.
49. Халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришдаги иштироки тўғрисида қисқача тавсиф беринг. Ушбу ҳодисанинг мумкин бўлган сабабларини таҳлил қилинг.
50. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришда ассоциация бирлашмаларининг ўрни тўғрисида нималарни биласиз?
51. Экотуризм ва дам олишни ривожлантиришнинг асосий сабаблари нимада?
52. Туризмни ривожлантиришнинг атроф муҳитга салбий ва ижобий ташқи томонлари қандай?
53. Таъсири жараёнини бошқариш тўғридан-тўғри ва билвосита механизмларини тушунтиринг эко- табиий муҳитга сайёҳликни.
54. Экотуризм ривожлантиришга ижтимоий-маданий таъсири қандай?
55. Экологик туризмнинг асосий турлари ва унинг Ўзбекистон Республикасида ривожланиш йўналишларини тавсифлаб беринг.
56. Барқарор ривожлантириш концепцияси асосий қоидалари нималардан иборат?

57. Экотуризм ривожланиши анъанавий ва барқарор моделлари ўртасида қандай фарқ бор?
58. "Экотуризм" ва "барқарор туризм" тушунчаларининг ўзаро боғлиқлигини тушунтиринг.
59. Экотуризм ривожланишида атроф-муҳитга салбий ва ижобий таъсирларга нималар киради?
60. Экскурсия хизматининг мулоқот шакли сифатидаги хусусиятини тушунтиринг.
61. Нима учун экскурсия хизмати педагогик жараён сифатида кўрилади?
62. Адабий мавзудаги экскурсия хизматига мисоллар келтиринг.
63. Меъморий-шаҳарсозлик мавзусидаги экскурсия хизматига мисоллар келтиринг.
64. Экскурсия хизматининг мақсадини белгилашда нималарга эътибор қаратиш лозим?
65. Экскурсия объекти сифатида нималар танланиши мумкин?
66. Объектларни баҳолашда қандай мезонлардан фойдаланиш тавсия этилади?
67. Қандай мақсадларда янги экскурсия мавзусини тайёрлашда объектлар жойида ўрганилади?
68. Экскурсия объекти карточкаси моҳиятини тушунтиринг.
69. Экскурсия маршрутини тайёрлаш босқичини тушунтиринг.
70. Экскурсия технологик харитасининг мазмунини тушунтиринг.
71. Синов экскурсиясини ўтказишдан мақсад нима?
72. Ҳар бир экскурсия мавзуси бўйича зарурий ҳужжатларни санаб беринг.
73. Экскурсия хизматида объектлари кўрсатишнинг кетма-кетлигини изоҳланг.
74. Экскурсия хизматида объектларни кўрсатишнинг усулларини тушунтиринг.
75. Экскурсия хизматида объектларни ҳикоя қилишнинг моҳиятини тушунтиринг.  
Экскурсия хизматида ҳикоя қилишнинг ўзига хослиги нимада?
76. Объектларни ҳикоя қилишга қўйилган талабларни келтиринг.
77. Экскурсия объектларини ҳикоя қилишнинг усулларини изоҳланг.
78. Гид экскурсантлар билан самимий руҳий муҳитни шакллантириши учун нималар қилиши керак?
79. Экскурсия жарёнида экскурсантларнинг ҳаракатланиш тартибини тушунтиринг.
80. Эътибор сусайиши сабаби ва уни бартараф этиш йўлларига мисоллар келтиринг.
81. Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари «Шарқнинг қадимий обидалари» сифатида ифодаланишининг сабаби нимада?
82. Экологик мавзудаги экскурсияларнинг экологик маданиятни шакллантиришдаги ўрнини тушунтиринг.
83. Мамлакатимизнинг экологик экскурсия объектларини изоҳланг.

84. Табиат кўриқхоналари ва миллий паркларда экскурсия хизматини ташкил қилишнинг ўзига хослиги нимада?
85. «Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш концепцияси»нинг моҳиятини тушунтиринг.
86. Миллий маданиятга қизиқиш туризмни изоҳланг.
87. Этник ва соғиниш туризми деганда нимани тушунасан?
88. Миллий санъат туризмга экскурсия ташкил этишнинг ўзига хослигини изоҳланг.
89. Ҳаёт учун хавфли спорт ўйинлари туризмни мамлакатимизда ривожлантириш имкониятларини изоҳланг.
90. Туристнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб беринг.
91. Гиднинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб беринг.
92. Гид ўз фаолиятини юритишда нималарга амал қилади?
93. Гид қандай вазиятларда моддий жавобгарликка тортилади.
94. Экскурсия жараёнида биринчи тиббий ёрдамнинг аҳамияти.
95. Қон кетиши биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш қоидаларини тушунтиринг.
96. Шикастланишларда суяк синиши, чиқишида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш қоидаларини тушунтиринг.
97. Шокда, ёт жисмлар тушганда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш қоидаларини тушунтиринг.
98. Заҳарланишда, ҳушдан кетишда, иссиқ ва қуёш урганда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш қоидаларини тушунтиринг.
99. Ўзбекистоннинг экотуристлик салоҳияти ва улардан фойдаланиш имкониятлари
100. Экскурсия хизматлари сифатини баҳолаш йўллари

## МАСАЛАЛАР

### 1-масала

**Ички туризмни ривожлантириш учун ресурс салоҳияти, уни иқтисодий баҳолаш:** Табиий объектларнинг рекреация жозибадорлигини баҳолаш методологияси ва маркетинг тадқиқотлари (интервью) процедурасидан фойдаланган ҳолда сиз танлаган табиий объектни (парк, ўрмон зонаси, кўрфаз ва ҳқ) баҳоланг. Объектнинг манзарали гўзаллиги, ўзига хослиги, фойдали маълумотларни олиш даражаси, кириш имконияти, хавфсизлиги ва бошқалар омилларига қараб тавсифини беринг.

### 2-масала

**Ички туризмни ривожлантириш учун ресурс салоҳияти, уни иқтисодий баҳолаш:** Агар ўрганилаётган ҳудуднинг (шаҳар атрофидаги табиий боғнинг) майдони 50 гектар бўлса, мавсум давомида ҳудуднинг рекреацион юкининг қийматини ҳисобланг; мавсумнинг давомийлиги 120 кун, шаҳар аҳолиси 100 минг киши, битта шартли куннинг давомийлиги 10

соат, битта аҳолининг дам олиш фаолияти 20 соат. Худуднинг рекреацион имкониятларини ҳисобланг.

### 3-масала

**Ички туризмни ривожлантириш учун ресурс салоҳияти, уни иқтисодий баҳолаш:** Агар зиёратгоҳнинг зиёратчиларни бир вақтда қабул қилиш сифими 50 нафарни ташкил этса, ҳар бир зиёратчи худудда қолиш давомийлиги 35 дақиқа бўлса, ушбу ресурснинг 1 ойлик хизмат кўрсатиш сифимини ҳисоблаб беринг.

### 4-масала

**Ички туризмни ривожлантириш учун ресурс салоҳияти, уни иқтисодий баҳолаш:** Агар зиёратгоҳнинг зиёратчиларни бир вақтда қабул қилиш сифими 150 нафарни ташкил этса, ҳар бир зиёратчи худудда қолиш давомийлиги 25 дақиқа бўлса ҳамда зиёрат қилиш куни аниқ белгиланган бўлса, ушбу ресурснинг 1 ойлик хизмат кўрсатиш сифимини ҳисоблаб беринг.

### 5-масала

**Ички туризмни ривожлантириш учун ресурс салоҳияти, уни иқтисодий баҳолаш:** Агар ички туристлар гуруҳи 25 нафар туристдан иборат бўлса, микроавтобусга 17 нафар, катта туристик автобусга 45 нафар йўловчи кетиши мумкин бўлса, йўл ҳаражатларини ҳисоблашда қандай ўзгаришлар бўлишини изоҳлаб беринг.

### 6-масала

**Ички туризмни ривожлантириш учун ресурс салоҳияти, уни иқтисодий баҳолаш:** Соҳил ва чўмилиш ресурслари ҳажмини ҳисобланг, агар пляжнинг узунлиги 500 м бўлса, пляж майдонининг кенглиги 100 м ни ташкил қилади, бир марталик сифим 7 минг кишини ташкил қилади. Фойдаланиш учун қулай бўладиган муддати 50 кун.

### 7-масала

**Туризм фаолиятида содир бўладиган муаммоли вазиятларни таҳлил қилиб, ечимини таклиф қилинг:** туристларнинг саёҳати пайтида автобус бузилиб кетади ва ҳаракатини давом еттира олмайди, сайёҳлар шаҳардан 20 км узоқликда, туристик гуруҳ раҳбари қандай ҳаракатлар қилиши керак.

## 8-масала

**Туризм фаолиятида содир бўладиган муаммоли вазиятларни таҳлил қилиб, ечимини таклиф қилинг:** туристларнинг саёҳати пайтида саёҳат қилаётган мамлакатда фавқулодда вазият содир бўлди, туристларнинг уша мамлакат ҳудудида қанча вақтга қолиши номаълум бўлган вазиятда туристик гуруҳ раҳбари қандай ҳаракатлар қилиши керак.

## 9-масала

**Туризм фаолиятида содир бўладиган муаммоли вазиятларни таҳлил қилиб, ечимини таклиф қилинг:** туристларнинг саёҳати пайтида самолётларнинг учиши маълум бир вақтга кечиктирилади, туристларнинг аэропорт ҳудудида қанча вақтга қолиши номаълум бўлган вазиятда туристик гуруҳ раҳбари қандай ҳаракатлар қилиши керак.

## 10-масала

**Туризм фаолиятида содир бўладиган муаммоли вазиятларни таҳлил қилиб, ечимини таклиф қилинг:** турмаршрут амалга оширилаётган вақтда туристлар ташриф буюриши керак бўлган объект ёпиқлиги аниқланди, туристик гуруҳ раҳбари қандай ҳаракатлар қилиши керак.

## 11-масала

**Туризм фаолиятида содир бўладиган муаммоли вазиятларни таҳлил қилиб, ечимини таклиф қилинг:** туристларнинг саёҳати пайтида автобус бузилиб кетади ва ҳаракатини давом еттира олмайди, сайёҳлар шаҳардан 100 км узоқликда ва чўл ҳудудида қолиб кетишди, туристик гуруҳ раҳбари қандай ҳаракатлар қилиши керак.

## 12-масала

**Туризм фаолиятида содир бўладиган муаммоли вазиятларни таҳлил қилиб, ечимини таклиф қилинг:** туристларнинг бир нафари саёҳат вақтида ҳарорати кўтарилиб қолди, туристик гуруҳ раҳбари қандай ҳаракатлар қилиши керак.

## 13-масала

**Туризм фаолиятида содир бўладиган муаммоли вазиятларни таҳлил қилиб, ечимини таклиф қилинг:** туристларнинг бир нафариди саёҳат вақтида баданида қизил рангдаги тошмалар кўринди, туристик гуруҳ раҳбари қандай ҳаракатлар қилиши керак.



#### **14-масала**

**Туризм фаолиятида содир бўладиган муаммоли вазиятларни таҳлил қилиб, ечимини таклиф қилинг:** туристларнинг бир нафарида саёҳат вақтида йўқолиб қолди, туристик гуруҳ раҳбари қандай ҳаракатлар қилиши керак.

#### **15-масала**

**Туризм фаолиятида содир бўладиган муаммоли вазиятларни таҳлил қилиб, ечимини таклиф қилинг:** туристларнинг бир нафарида саёҳат вақтида қимматбаҳо йўқолиб қолди, туристик гуруҳ раҳбари қандай ҳаракатлар қилиши керак.

#### **16-масала**

**Туризм фаолиятида содир бўладиган муаммоли вазиятларни таҳлил қилиб, ечимини таклиф қилинг:** туристларнинг бир неча нафарида саёҳат вақтида ҳарорат кўтарилиб қолди, туристик гуруҳ раҳбари қандай ҳаракатлар қилиши керак.

#### **17-масала**

**Турпакет нархини ҳисобланг:** Франциялик туристлар Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларига 14 кунга келишмоқчи. Туристларнинг ёши 55-70ни ташкил этишини ҳисобга олган ҳолда турмаршрут тузиб, нархини ҳисобланг.

#### **18-масала**

**Турпакет нархини ҳисобланг:** Қозоғистонлик туристлар Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларига 4 кунга келишмоқчи. Туристларнинг ёши 15-20ни ташкил этишини ҳисобга олган ҳолда турмаршрут тузиб, нархини ҳисобланг.

#### **19-масала**

**Турпакет нархини ҳисобланг:** Россиялик туристлар Ўзбекистонга экотуризм мақсадида 14 кунга келишмоқчи. Туристларнинг ёши 15-30ни ташкил этишини ҳисобга олган ҳолда турмаршрут тузиб, нархини ҳисобланг.

#### **20-масала**

**Турпакет нархини ҳисобланг:** Туркменистонлик туристлар Ўзбекистонга тоғ-чанғи туризми мақсадида 3 кунга келишмоқчи.

Туристларнинг ёши 35-50ни ташкил этишини ҳисобга олган ҳолда турмаршрут тузиб, нарҳини ҳисобланг.

### **21-масала**

**Турпакет нарҳини ҳисобланг:** Туркманистонлик туристлар Ўзбекистонга болалар туризми мақсадида 3 кунга келишмоқчи. Туристларнинг ёши 5-15ни ташкил этишини ҳисобга олган ҳолда турмаршрут тузиб, нарҳини ҳисобланг.

### **22-масала**

**Турпакет нарҳини ҳисобланг:** Германиялик туристлар Ўзбекистонга кумсаш туризми мақсадида 10 кунга келишмоқчи. Туристлар битта оилани ташкил этишини ҳисобга олган ҳолда турмаршрут тузиб, нарҳини ҳисобланг.

### **23-масала**

**Турпакет нарҳини ҳисобланг:** Самарқандлик туристларни Хива шаҳрига саёҳатини режалаштиринг ва нарх калькуляциясини ҳисобланг.

### **24-масала**

**Тасаввур қилинг Сиз туристик фирма вакилисиз!** Хорижий ва маҳаллий туристларга мўлжалланган турни ташкил қилишингиз керак. Турни шакллантиришда асосий хизматлардан бири бўлган овқатлантириш хизматини таҳлил қилганингизда Сиз таклиф қилаётган рестораннынг қайси омилларни инобатга оласиз? Нима учун?

### **25-масала**

**Тасаввур қилинг Сиз официанцисиз!** Сиз фаолият юритаётган ресторанга туғилган кун банкетини ўтказиш учун буюртма қабул қилиниб ҳаммаси кўнгилдагидек ташкил қилинган. Лекин банкет егалари ва меҳмонлар айтилган вақтдан 1 соат кеч келишди. Буюрилган таомлар меҳмонлар кеч келганлиги сабабли бошқа мижозларга сотилган. Мижоз айнан шу таомни буюртма қилмоқда, лекин буюрилган таомни тайёрлашга кўп вақт керак бўлади. Бу эса тушунмовчиликларга сабаб бўлмоқда. Ресторан официанти сифатида Сиз бу муаммони қандай бартараф этасиз?

### **26-масала**

**Тасаввур қилинг Сиз ресторан директорисиз!** Сиз раҳбарлик қилаётган ресторанда сиз билган доимий мижоз ташриф буюрган. Бир оз

фурсатдан сўнг иш бошқарувчингиз айнан шу миждоз устидан шикоят қилмоқда. Шикоят мазмуни шундан иборатки, ресторан залидаги ушбу миждоз бошқа миждозлар билан келиша олмай жанжал чиқарган ва бу бошқа ташриф буюрувчиларга ҳалақит бермоқда. Ресторан директори сифатида Сиз бу муаммони қандай бартараф этасиз?

### **27-масала**

**Тасаввур қилинг Сиз ресторан менежерисиз!** Сиз бошқарадиган ресторанда синов муддати билан ишга қабул қилинган ходим олий малакали бўлиб, чет ел тажрибасига ега. Лекин хизмат сўнгида официант миждозлар билан ҳисоб – китоб қилиб бўлганидан кейин кассирга пулни ташлаб миждозларни кузатгани чиққан. Қайтиб келгандан сўнг кассир билан ҳисоблашганида тўланган маблағ етарли емаслиги аниқланди. Натижада кассир ва янги ходим ўртасида низо пайдо бўлди. Ресторан менежери сифатида Сиз бу муаммони қандай бартараф этасиз?

### **28-масала**

**Тасаввур қилинг Сиз официантсиз!** Сиз фаолият олиб бораётган ресторан доимгидек, миждозлар билан гавжум. Залда нозик меҳмонлар ҳам ташриф буюришган. Хизмат вақтингизда ўша нозик меҳмонлар шовқин солиб гаплашмоқда, бу еса бошқа столлардаги миждозларга ҳалақит бериб норози кайфиятда бўлишларига сабаб бўлмоқда. Ресторан официанти сифатида Сиз бу муаммони қандай бартараф этасиз?

### **29-масала**

**Тасаввур қилинг Сиз бош - ошпазсиз!** Ресторан зали миждозлар билан тўла. Официантлар ўз ўрни яхши хизмат қилмоқда. Ошпазлар буюрилган таомларни ўз вақтида тайёрламоқдалар. Залда ҳеч қандай муоммо йўқ. Лекин охириги буюрилган таомлар тайёр бўлгандан сўнг миждоз учун официантга тақдим етилди. Бир оз фурсатдан сўнг залда шовқин бошланди. Бир миждоз официантга таом ҳақида нолиб ошпаз келишини сўради. Муаммо шундаки, таом сабзавотлари яхши пишмаган, гўшти куйиб кетган. Енг ёмони бу ҳамма миждозга аён бўлди. Сиз бош - ошпаз сифатида бу масалани қандай ечасиз?

### **30-масала**

**Тасаввур қилинг Сиз официантсиз!** Ресторанга кечки овқат учун 2 нафар маҳаллий меҳмонлар ташриф буюришган. Улар таомга буюртма қилишди. Таом олиб келингач истеъмол бошланди. Лекин официант олиб келган таомнинг беаги ва таъми уларга ёқмади, устига устак бир нафар миждоздан соқ қолдиғи ҳам чиқди. Натижада миждоз жанжаллашиб таом ҳаққини тўламаслигини айтди. Аммо таомнинг ярми истеъмол қилинган.

Бундай ҳолатда официант сифатида Сиз қандай йўл тутасиз? Ахир “Мижоз хақиша ҳақ” деган қоида бор.

### 31-масала

**Тасаввур қилинг Сиз метрдотелсиз!** Ресторанда янги йил байрамини нишонлаш учун буюртма қабул қилгансиз. Стол 20 нафар мижозлар учун тайёрланган ва Сиз олдиндан 50% буюртма пулини олгансиз. Мижозлар сафига яна 2 нафар меҳмон қўшилди ва жами 22 нафар меҳмонларга хизмат жараёни бошланди. Шунингдек, залда бошқа меҳмонлар ҳам бор. Байрам тадбири авжига чиққан пайтда залда келишмовчиликлар бўлиб, натижада столда турган идиш – товоқлар синган. Енг қизиғи буюртмачи меҳмон тадбирдан кетиб қолган. Бундай вазиятда метрдотел сифатида Сиз бу муаммони қандай бартараф этасиз?

### 32-масала

**Тасаввур қилинг Сиз официантсиз!** Ресторанга бир гуруҳ хорижлик туристлар ташриф буюришди. Улар таомномадан ташқари бўлган таомларни ҳам буюртма қилишди. Таомлар ўз вақтида муаммосиз етказилди ва кўнгиладигдек хизмат кўрсатилди. Овқатланиш ниҳоясига етказилган пайтда туристлардан бири бетоб бўлиб қолди. Бу бетоблик таклиф қилинган таомлардан еканлиги аниқланди. Бу еса ресторанга катта муаммо бўлиши мумкин. Ресторан официанти сифатида Сиз бу муаммони қандай бартараф этасиз?

### 33-масала

**Тасаввур қилинг Сиз официантсиз!** Ресторанда хизмат кўрсатиш бошланди. Хизмат вақтида сиз кўп хатоларга йўл қўйдингиз ва метрдотел сизга огоҳлантириш берди. Устига устак бугун ертароқ кетиш учун жавоб ҳам сўрагансиз. Лекин бошлиғингиз мижоз кўп бўлганлиги учун жавоб бермади. Огоҳлантириш евазига сизга 100 та салфетка тахлаш буюрилди. Ресторан официанти сифатида Сиз бу масалани қандай ҳал этасиз?

### 34-масала

**Тасаввур қилинг Сиз официантсиз!** Сиз ресторанга янги ходимсиз. Мижозларга хизмат кўрсатиш сир – асрорларини ўрганмоқдасиз. Ресторанга ҳар доимгидек тушлик пайтида мижозлар ташриф буюрди ва буюртмани сиз мустақил қабул қилдингиз. Бир оз фурсат ўтиб мижозлар кўз ўнгида стол дастурхонини алмаштиришингизга тўғри келди. Лекин сиз буни билмайсиз. Ресторан официанти сифатида Сиз бу вазиятдан қандай чиқасиз?

### 35-масала

**Тасаввур қилинг Сиз официантсиз!** Ресторан официанти сифатида столни қандай сервировка қилиб, хизмат кўрсатиш усуллари қўллаган ҳолда ўз вазифангизни бажариш алгоритмини тасвирлаб беринг.

### 36-масала

**Тасаввур қилинг Сиз метрдотелсиз!** Ресторанда 200 кишилик банкет ўтказиш учун буюртма олинган. Буюртмачи қоидага биноан ҳамма керакли харажатларни олдиндан тўлаган. Банкетда хорижлик меҳмонлар ҳам қатнашиши кўзда тутилган. Лекин белгиланган кунга бир кун қолганида ресторандан банкет ўтказиш олмаслик ҳақида хабар келди. Буюртмачи хайрон, нима қилиш керак? Сабаб белгиланган кун сиёсий байрам кунига тўғри келган. Шунинг учун Сиз метрдотел сифатида буюртмачига бу муаммони бартараф етишга қандай ёрдам бера оласиз?

### 37-масала

**Тасаввур қилинг Сиз официантсиз!** Меҳмонхонада «Швед столи» усулида хизмат кўрсатиш ташкил етилган. Сиз ерталабки нонушта учун хизмат қиляпсиз. Нонушта вақти тугаб соат 11 га яқинлашиб қолган ва ҳамма ресторан ходимлари тушлик учун тайёргарликни бошлаган. Меҳмонхонанинг бир мижози сиздан нонуштага кела олганини айтиб, сиздан ҳозир бирор таом тайёрлаб беришингизни сўрамоқда. Ресторан официанти сифатида Сиз бу муаммони қандай бартараф этасиз?

### 38-масала

**Тасаввур қилинг Сиз официантсиз!** Шарбатлар ва сут - қатик коктейллари тайёрланиш жараёнларини тасвирлаб, уларни безатиш технологиясини сўз ва чизмалар орқали тасвирлаб беринг.

### 39-масала

**Тасаввур қилинг Сиз официантсиз!** Сиз фаолият олиб бораётган ресторанда мижозлар кам. Лекин мижозлар оқимини кўпайтириш орқали ўз фаолиятини сақлаб қолиш мумкин. Мижозлар оқимини кўпайтириш учун реклама зарур. Директор ҳар бир официантга ресторан рекламасини яратиш учун ғоя бериш кераклигини айтди. Ресторан официанти сифатида Сиз қандай реклама турини таклиф қиласиз? Фикрингизни изоҳланг.

#### 40-масала

**Тасаввур қилинг Сиз официанциз!** Овқатлантириш корхонасига тушлик қилиш учун бир гуруҳ маҳаллий меҳмонлар ташриф буюрди. Лекин овқатлантириш корхонаси зали тушликка банкет учун олдиндан банд қилинган еди. Ресторан официанти сифатида Сиз бу муаммони қандай бартараф етасиз?

**5A610301 – Туризм (фаолият турлари бўйича) магистратура  
мутахассислиги бўйича мутахассислик фанларидан магистратурага  
кирувчилар томонидан ёзилган ёзма ишнинг  
БАҲОЛАШМЕЗОНИ**

1. “Туризм (фаолият турлари бўйича)” мутахассислиги бўйича магистратурага кирувчилар томонидан ёзилган ёзма иши Ўзбекистон Республикаси ОЎМТВ томонидан белгиланган умумтартиб ва Низом қоидаларига амал қилинган ҳолда ўтказдирилади.

2. “Туризм (фаолият турлари бўйича)” мутахассислиги бўйича магистратурага кирувчиларни мутахассислик бўйича ёзма иши натижалари 100 баллик тизимда амалга оширилади.

3. “Туризм (фаолият турлари бўйича)” махсус фанидан кириш имтиҳони ёзма усулда ўтказилади. Ҳар бир вариант 3 та саволдан иборат. Вариантдаги 3 та саволнинг ҳар биридан олиш мумкин бўлган балл миқдори қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ деб топилган яъни, биринчи ва иккинчи саволларнинг ҳар бирига максимал 30 баллдан жами 60 балл. Учинчи топшириқ, яъни масала учун максимал 40 балл.

| №                     | Умумий балл | Магистратурага кирувчининг билим даражаси   | Хусусий балл |
|-----------------------|-------------|---|--------------|
| <b>1-савол бўйича</b> |             |   |              |
| 1                     | 26-30       | Қўйилган саволлар мазмунан аниқ ёритилиб, демократик ислохотлар ва жараёнларнинг мазмунан моҳияти тўлиқ очиқ берилган;  | 9-10         |
|                       |             | Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ислохотлар таҳлили ва уларнинг амалий самаралари, натижалари ва ҳаётга тадбиқ этилиши бўйича мустақил, ижодий фикр мавжудлиги; | 9-10         |
|                       |             | Жавобларда мантиқий яхлитликка эришилган ва умумий хулосалар чиқариш қобилиятига эга;   | 6-7          |
|                       |             | Имло ва стилистик хатоларга йўл қўйилмаган.   | 2-3          |
|                       |             |   | 26-30        |
| 2                     | 21-25       | Жавоб тўғри ёзилган, унда демократик янгилашни жараёнлар асосли ёритилган, аммо бугунги демократик янгилашни амалиётида   |              |

|                       |       |   |                            |
|-----------------------|-------|---|----------------------------|
|                       |       | ноаниқликлар, саналарда чалкашликларга йўл қўйилган;<br>Жавобда магистратурага кирувчининг мустақил мушоҳада юритиш қобилияти сезилади;<br>Ижодий ёндошув мавжуд;<br>Муаммони таҳлил қилиш қобилиятига эга.   | 7-8<br>6-7<br>5-6<br>3-4   |
|                       |       |   | 21-25                      |
| 3                     | 17-20 | Саволга жавобда масаланинг моҳиятини тушунилган, аммо мазмун ва натижалар юзаки ёритилган;<br>Мушоҳада баёнида фикр тарқоқлиги кузатилади;<br>Жавобларда мантииқийлик тамойили бузилган;<br>Тасаввурга эга, лекин таҳлил йўқ.   | 6-7<br>5-6<br>4-5<br>2-2   |
|                       |       |   | 17-20                      |
| 4                     | 0-16  | Савол бўйича аниқ тасаввурга эга эмас;<br>Умуман жавоб ёзилмаган;<br>Нотўғри жавоб ва маълумот берилган;<br>Ўқув адабиётидан айнан сўзма-сўз кўчирилган.  | 0-16                       |
| <b>2-савол бўйича</b> |       |   |                            |
| 1                     | 26-30 | Қўйилган саволлар мазмунан аниқ ёритилиб, демократик ислохотлар ва жараёнларнинг мазмунан моҳияти тўлиқ очиқ берилган;<br>Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ислохотлар таҳлили ва уларнинг амалий самаралари, натижалари ва ҳаётга тадбиқ этилиши бўйича мустақил, ижодий фикр мавжудлиги;<br>Жавобларда мантиқий яхлитликка эришилган ва умумий хулосалар чиқариш қобилиятига эга;<br>Имло ва стилистик хатоларга йўл қўйилмаган. | 9-10<br>9-10<br>6-7<br>2-3 |
|                       |       |   | 26-30                      |
| 2                     | 21-25 | Жавоб тўғри ёзилган, унда демократик янгиланиш жараёнлар асосли ёритилган, аммо бугунги демократик янгиланишлар амалиётида ноаниқликлар, саналарда чалкашликларга йўл қўйилган;<br>Жавобда магистратурага кирувчининг мустақил мушоҳада юритиш қобилияти сезилади;<br>Ижодий ёндошув мавжуд;<br>Муаммони таҳлил қилиш қобилиятига эга.  | 7-8<br>6-7<br>5-6<br>3-4   |

|                       |         |  |                             |
|-----------------------|---------|--|-----------------------------|
|                       |         |  | 21-25                       |
| 3                     | 17-20   | Саволга жавобда масаланинг моҳиятини тушунилган, аммо мазмун ва натижалар юзаки ёритилган;<br>Мушоҳада баёнида фикр тарқоқлиги кузатилади;<br>Жавобларда мантииқийлик тамойили бузилган;<br>Тасаввурга эга, лекин таҳлил йўқ.  | 6-7<br>5-6<br>4-5<br>2-2    |
|                       |         |  | 17-20                       |
| 4                     | 0-16    | Савол бўйича аниқ тасаввурга эга эмас;<br>Умуман жавоб ёзилмаган;<br>Нотўғри жавоб ва маълумот берилган;<br>Ўқув адабиётидан айнан сўзма-сўз кўчирилган.   | 0-16                        |
| <b>3-савол бўйича</b> |         |  |                             |
|                       | 34 – 40 | Кўйилган масала мазмунан аниқ ёритилиб, иқтисодий ислоҳотлар ва жараёнларга билан боғлиқ ҳолда очиб берилган, шунингдек илмий ва илмий-техник ахборотлардан фойдаланган ҳолда тизимли таҳлил қилиб илмий хулосалар берилган бўлса;<br>Амалий мисоллар доирасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ислоҳотлар таҳлили ва уларнинг амалий самаралари, натижалари ва амалиётга тадбиқ этилиши бўйича мустақил, ижодий фикр ва мулоҳазаларни мавжудлиги, амалий масала тўлиқ бажарилган ва масалани ечишга илмий-ижодий ёндашилган бўлса;<br>Жавобларда мантиқий яхлитликка эришилган ва умумий хулосалар чиқариш қобилиятига эга;<br>Имло ва стилистик хатоларга йўл қўйилмаган;<br>Илмий ва илмий-техник ахборот билан мустақил ишлаш, тизимли мустақил таҳлил қилиш, хулоса чиқариш. | 11-13<br>9-11<br>8-9<br>6-7 |
|                       |         |  | 34-40                       |
|                       | 29 – 33 | Жавоб тўғри ёзилган, аммо бугунги иқтисодий ислоҳотлар амалиётида ноаниқликлар, саналарда чалкашликларга йўл қўйилган, амалий масала тўлиқ бажарилмаган лекин ечимига илмий-ижодий ёндашилган бўлса;<br>Жавобда магистратурага кирувчининг мустақил мушоҳада юритиш қобилияти сезилади;  | 11-12<br>8-9                |



|  |         |   |                          |
|--|---------|---|--------------------------|
|  |         | Ижодий ёндошув мавжуд;<br>Амалий масалани таҳлил қилиш қобилиятига эга;   | 6-7<br>4-5               |
|  |         |   | 29-33                    |
|  | 22 – 28 | Масаланинг моҳиятини тушунилган, аммо мазмун ва натижалар юзаки ёритилган, амалий масала тўлиқ бажарилмаган бўлса;<br>Мушоҳада баёнида ва масалани ечишда фикр тарқоклиги кузатилади;<br>Жавобларда мантиқийлик тамойили бузилган.<br>Масалани ёритишда ва уни амалий жиҳатдан асослашда тасаввурга эга, аммо таҳлил ва хулоса йўқ; | 8-9<br>7-8<br>4-6<br>3-5 |
|  |         |   | 22-28                    |
|  | 0 – 21  | Амалий масала бўйича аниқ тасаввурга эга эмас;<br>Умуман жавоб ёзилмаган; амалий масаланинг ечими йўқ;<br>Нотўғри жавоб ва маълумот берилган;<br>Ўқув адабиётидан айнан сўзма-сўз кўчирилган.   | 0-16                     |

| Балл   | Кирувчининг билим даражаси   |
|--------|--|
| 1      | 2  |
| 86-100 | Кирувчининг жавобларида берилган саволлар бўйича ижодий фикрлаш мавжуд бўлса, мамлакатимизда модернизациялаш жараёнларини жадаллаштириш, демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиққан вазифаларни бажариш йўллари ўз аксини топган бўлса, қўйилган муаммони ечиш бўйича тавсиялар берган бўлса, савол бўйича жавобда мустақил мушоҳада юритилган бўлса, тавсияларни амалиётга қўллаш тартиблари кўрсатилган бўлса. |
| 71-85  | Кирувчи ўз жавобида қўйилган савол бўйича мустақил мушоҳада юритган бўлса, уларнинг моҳиятини деярли тўлиқ очиб берган бўлса, қўйилган муаммони ечиш бўйича ўз тавсияларини берган бўлса.  |
| 55-70  | Кирувчи жавобида фан бўйича вариантга киритилган саволларга қисман жавоб берган бўлса, асосий тушунчаларга берган изоҳи кам бўлсада, мавжуд бўлса.   |
| 0-54   | Кирувчи жавобида қўйилган савол мазмуни умуман ёритилмаган бўлса, изоҳлар мавжуд бўлмаса, яъни талабгор жавобида қўйилган саволлар бўйича умуман тасаввурга эга эмаслиги аниқ бўлса.   |

## Тавсия қилинган адабиётлар рўйхати

### Асосий адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. (янги таҳрири).
2. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент: 1999 йил 20 август (янги таҳрири).
3. «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 2016 йил 2 декабр, ПФ-4861-сон.
4. «Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2016 йил 2 декабр, ПҚ-2666-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. 7 феврал 2017 г., № УП-4947.
6. Маматқулов Х. М. Меҳмонхона ва туристик комплексларда хизматларни ташкил этиш. Ўқув қўлланма. -С.: СамИСИ, 2012.-340б.
7. Салимова Б.Х. Алиева М.Т. Меҳмонхона менежменти. Дарслик ,.2010. 275б.
8. Тухлиев И.С., Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ. Туризмни режалаштириш. Дарслик. – Т.: “Иқтисод-молия” нашриёти. 2010.-263б.
9. Тухлиев И.С., Бектемиров А.Б., Усманова З.И.. Туризмда стратегик маркетинг. Ўқув қўлланма.-С.: СамИСИ, 2010. -144б.
10. Тухлиев И.С. Амриддинова Р.С. Организация экскурсионного обслуживания. Ўқув қўлланма. -С.: СамИСИ., 2011.-162б.
11. Тухлиев И.С., Ибадуллаев Н.Э, Туризм операторлик хизматини ташкиллаштиришнинг асослари. Ўқув қўлланма. -С.: СамИСИ., 2011.-256б.
12. Қудратов Ғ.Ҳ., Тухлиев И.С. Туризм иқтисодиёти. Қўлланма -С.: СамИСИ., 2007. 86 б.
13. Ҳайитбоев Р. ва бошқалар. «Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш». Ўқув қўлланмаси. СамИСИ - 2019 й.
14. Раҳимов З.О., Хайтбойев Р., Ибадуллаев Н.Е., Сафаров В.Ш., Turopereyting. O’quv qo’llanma. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2018. - 300 б.
15. Раҳимов З.О., Норкулова Д.З. Меҳмонхона хўжалигида режалаштириш. СамИСИ - 2019 й.
16. Болтабоев М.Р., Тухлиев И.С., Сафаров Б.Ш., Абдухамидов С.А. Туризм: назария ва амалиёт. Дарслик. “Фан ва технология нашриёти” Тошкент - 2018 й
17. Тухлиев И.С., Амриддинова Р.С., Турсунова Г.Р. “Экскурсия хизматини ташкил қилиш” Ўқув қўлланма. Т.: Баркамол файз медиа 2018 й. 296 б.

18. Амриддинова Р.С., Рахимов З.О., Алиева М.Т., Ибадуллаев Н.Э., Абдухамидов С.А. Меҳмонхоналарда ходимлар фаолиятини бошқариш. Ўқув қўлланма. “Фан ва технология нашриёти” Тошкент - 2018 й.

#### **Қўшимча адабиётлар**

19. Александрова А.Ю. Международный туризм. Учебник.- М: Аспект Пресс, 2004.- 470 стр.
20. Gunasekaran A., Sandhu M. (Eds.) Handbook on Business Information Systems. World Scientific Publishing Company – 2010, 960 p.
21. Дурович А.П., Бондаренко Г.А., Сергеева Т.М. и др. Организация туризма. Учебное пособие. 2-е изд. испр. – Мн.: Новое знание, 2005.-640 стр.
22. Квартальнов В.А. Туризм. Учебник.–М., Финансы и статистика 2004.- 320стр.
23. J. Glenn Brookshear, David T. Smith, Dennis Brylow. Computer science. An overview. 11th Edition. Addison-Wesley – 2011, 624 p.

#### **Интернет сайтлари:**

<https://www.lex.uz>

<https://my.gov.uz>

<https://www.unwto.org>

<https://www.orexa.com>

<https://www.tour.uz>

